

**Мукаддама**

Ибн Баттута жахон маданияти ва тафаккури ривожида Ибн Хурдодбех, ал-Яъкубий, ал-Истахрий, ал-Мукаддасий, ал-Масъудий, Ибн Хавкал каби ўрта аср араб географлари хамда Абу Хамид ал-Гарнотий, Ибн Фадлон, Ибн Жубайрлардек сайёхлар орасида ўзининг «Саёхатнома»си билан алохида ўрин тутган машхур араб сайёхидир. Унинг «Саёхатнома» асари ўрта аср мамлакатлари, шахарлари, уларнинг халклари маданияти, турмуш тарзига оид гоят кимматли, кўп ўринларда ягона маълумотлари билан бошкалардан ажралиб туради. Академик И. Ю. Крачковский Ибн Баттутани «Барча мусулмон мамлакатларини кезиб чиккан сўнгги энг буюк сайёх», дея эътироф этган эди.

Тасвир ва тавсиф этилган ерлар, мамлакатлар, халклар микдори ва микёси жихатидан, нихоятда хилма-хил маълумотларнинг кўплиги (география, этнография, маданият, иктисодиёт, топонимика, антропология, тарих, дин, шахарсозлик ва хоказо), баёнининг соддалиги, хакконийлиги ва хужжатларга асосланганлиги жихатидан Ибн Баттута «Саёхатнома»си XV асргача бўлган мусулмон географик адабиётидагина эмас, умуман бутун дунё тасвирий географик адабиёти тарихида тенги йўк асардир. Географик кашфиётлар хакидаги монументал асар муаллифи Рихард Хеннинг: «XIV асрда яшаган марокашлик Ибн Баттута, шубхасиз, кадим дунёда ва маълум бўлган барча ўрта аср сайёхлари ичида энг буюги деб тан олиниши керак. Хатто Марко Полонинг муваффакиятлари хам бу саёхат ишкибози бутун умрини багишлаган хайратомуз мехнат олдида хеч гап эмас... Гарчи XIV-XVIII асрларнинг буюк денгиз саёхатчилари умуман олганда XIV асрда яшаган Ибн Баттута босган йўллардан кўпрок масофани босиб ўтган бўлсалар хам, бу марокашликни Магеллангача бўлган барча даврнинг энг буюк сайёхи деб атасак муболага бўлмайди», - деганида худди шуни кўзда тутган эди.

Бир карашда у мукаддас шахар ва кадамжоларни зиёрат килиб, шу туфайли замондошлари олдида эътибор козониш ёки 1305 йили Дамашкда бўлганидек, фикхдан ваъзу мунозаралар тинглаб, бирон хадис мажмуасидан мударрислик килиш хукукига эга бўлиш ёхуд турли мамлакатларнинг хукмдорлари, нуфузли арбобларидан хадялар олиш сингари шахсий манфаатларини кўзлагандек кўринади.

Аммо булар асосий муддао эмас эди. Афтидан, уйгониш даври тонгида Шарк ва Европадан чиккан кўп сонли сайёхлар сингари Ибн Баттута хам янги ўлкалар очувчи кашшофлар сирасидан бўлган. Уни иктисодий ва сиёсий сабаблардан кўра кўпрок дунёни кўриш-билиш ташналиги йўлга чорлади. Дунё кенгайиб борар, бу хакда кизикарли маълумотлар бериб, халкларнинг билим доираларини орттиришда сайёхларнинг хизмати кам эмас эди.

Арабларга таниш бўлган «ахолиси яшайдиган куруклик» тобора кенгаяр, у билан бирга янги мамлакат ва шахарларга кизикиш хам ортар, номаълум элу элатлар билан танишиш орзуси, Ибн Баттутанинг ўзи ёзганидек, «дунё кўриб кўнгил очиш, турли ажойиботларни кўриш, мўъжизалар хакида хикоялар эшитиш, кенг билим орттириш, кизик-кизик одамлар билан танишиш, такдирни синаш» истаги кучайиб борди. Ибн Баттутанинг «бир юрган йўлдан иккинчи марта ўтмаслик» хакидаги шиори хам худди мана шу мумкин кадар кўпрок кўриш-билиш истаги билан изохланади. Сайёх йўлида дуч келган тўсик ва кийинчиликлар хам, турли машаккатлар ва мухтожликлар хам уни ахдини ўзгартиришга мажбур эта олмаган эди.

Ибн Баттутанинг турли халклар хаёт тарзи, кийиниш маданияти, урф-одатлари ва эътикодлари борасидаги тафсилотларга тўхталиб ўтиши баъзи тадкикотчилар томонидан уни нафакат сайёх, факих, тарихчи, балки ўрта аср илк антропологларидан, баъзилар томонидан эса этнологларидан бири сифатида эътироф этилишига сабаб бўлган.

Шу жихатдан ижтимоий хаёт, урф-одатлар, эътикодлар ва кадриятлар хакида жуда бой материални ўз ичига олган «Саёхатнома» антропологик жихатдан хам кимматли манба хисобланади. Асарда турли халклар дастурхонига мансуб турли таомлар таърифлари, байрам ва мотам кийимлари, сиёсатдан тасаввуфгача бўлган ўша давр кишисига тегишли барча масалаларда маълумотлар берилган. Тадкикотчилар «Саёхатнома»нинг ана шундай энциклопедик жихатига эътиборни каратганлар. «Саёхатнома» географик тавсиф бўлибгина колмай, балки мемуар - эсдаликлар, йўл хотиралари сифатида хам ахамиятлидир. Бу ўринда муаллифнинг шахсий кузатишлари, кечинмалари биринчи ўринга чикади ва асарнинг маълум маънода бадиийлигини таъминлайди.

Китобий тахсилга унча майли бўлмаган ва ўз билимларини кўп йиллик дарбадарликда, ўзига замондош бўлган олимлар билан мулокотда жамгарган сайёх ўз хотирасини шунчалик ўткирлаштириб, баёнчилик касбида шундай махоратга эришган эдики, учратган одамларини, кўрган ажнабий юрт ва шахарларининг киёфаси хамда фазилатларини то умрининг охиригача ёдидан чикармади. Унинг фактик материалларга бой, бенихоя тафсилотлар билан тўла хикоялари кўп вакт ишончсизлик ва гумонсирашларга сабаб бўлиши табиий эди. Фосда, Маринийлар саройида хикоя килинган «ажойиб вокеалар»га билдирилган ишончсизлик охир-окибатда сайёхга ижобий таъсир килди. «Хурматли зотлар»нинг бундан кейинги таъналаридан эхтиёт бўлиб, Ибн Баттута ўз таассуротлари баёнида жуда пухта, аник ва эътиборли бўлишга карор килди.

Ўз кузатишлари баёнида Ибн Баттута «ўз кўзим билан кўрганман», бошка холларда «буни фалончидан эшитганман», деб таъкидлайдиган бўлди. Вокеаларни баён этишда у

ўзи хакикат деб ёзган маълумотларини аник далиллаш йўлидан боради, ўзга холларда эса масъулиятни ўзидан сокит килиб, баъзи манбаларни эслатиб ўтиш билан чегараланади. Бу фазилат Ибн Баттута «Саёхатнома»сининг назарий ва амалий кимматини янада оширади.

В. В. Бартольднинг таъкидлашича, «араб географик адабиётининг китобий туси ва шу билан боглик бўлган хронологик ноаниклиги ундан фойдаланишни бирмунча кийинлаштиради. Масалан, агар бир муаллиф X асрда, бошка бири эса XI асрда ижод этганини билсак, бу иккинчисининг хикоялари биринчисиникидан кўра кейинрок даврга мансуб, деган сўз эмас; деярли барча муаллифлар манбаларни санаб ўтмасдан, уларнинг даврини аникламасдан китобларга караб ёзаверишган кўпинча XI аср асарларида X асрдан анча олдинги манбалардан фойдаланилган бўлиб чикади».

Айтиш керакки. Ибн Баттутанинг «Саёхатнома»си эса араб географик адабиёти тарихида алохида ажралиб туради ва «ўз кўзи билан» кўрган мамлакатларнинг географик тавсифи - рихла (саёхат) жанрининг юксак муваффакияти хисобланади. Географик адабиёт жанри - рихлатнинг биринчи ёркин намунаси Ибн Фадлоннинг «Волгага саёхат»и эди. Аммо уни хажми ва микёси жихатидан Ибн Баттута «Саёхатнома»си билан сира тенглаштириб бўлмайди. Бу жанрдаги яна бир ёдгорлик Ибн Баттутанинг мухаррири томонидан фойдаланилган Ибн Жубайр китобидир. Бу китобни хам Ибн Баттута «Саёхатнома»си билан бир каторга кўйиш мантикий эмас, чунки Ибн Жубайр географик жанрда эмас, ёзишмалар шаклида асар яратган.

Ушбу сахифаларда тадкик килинаётган «Ибн Баттута саёхати» (XIV аср) араб сайёхлари колдирган ёзма ёдгорликлар орасида мухим ўрин тутади. «XIII-XIV аср коинот тавсифлари ва комусларидан кейин, - деб ёзади И. Ю. Крачковский, - умуммусулмон ёзма адабиёти ўз авж нуктасини топади... саёхатнома жанри микдор жихатидан узлуксиз бойиб боради, бу ўринда яна эътиборга лойик жойи шуки, барча мусулмон мамлакатларини кезиб чиккан сўнгги буюк сайёх хам XIV асрга мансуб. У хам бўлса машхур Ибн Баттутадир. Унинг саёхатномаси араб мактабларида хануз ўкитилмокда... Олтин Ўрда ёки Ўрта Осиё хакида бирон асар йўкки, бу зот тилга олинмаган бўлса...»

И. Ю. Крачковский Ибн Баттутани «энг охирги универсал амалиётчи - географ, китобхўр - кўчирмачи эмас, балки гоят кўп мамлакатларни шахсан кезиб чиккан сайёх», деб атайди. У ўзининг йигирма саккиз йиллик сафари давомида шимолий ва гарбий Африка, Арабистон ярим ороли, Хиндистон ва Испания, Туркия ва Эрон, Ўрта Осиё ва шаркий Европа хамда Хитойнинг юзлаб шахар ва кишлокларини кезиб чикди. Ибн Баттутанинг «Саёхатнома»сида энг олис элу элатлар тўгрисида кизикарли хикоялар шу кадар кўпки, муаллифнинг замондошлари уларнинг баъзиларига ишонкирамай, хаёлий манзаралар, деб хисоблаганлар. Хатто Ибн Баттута билан шахсан таниш бўлган машхур олим Ибн Халдун хам «одамлар уни ёлгончиликда айбламокдалар», деб «Саёхатнома»даги хикоя ва баёнларга жиддий муносабатда бўлмаган. Кўпгина Европа олимлари хам Ибн Баттута маълумотларига ишончсизлик билан караганлар. Бу хол эса ўз вактида «Саёхатнома»ни муносиб равишда бахолашга ва унинг матнини тиклашга монелик килган.

Шаркшунослик фани ва география тадкикотчилиги ривожланган сари турли мамлакат

олимлари Ибн Баттута ёзмалари ўрта асрда яшаб ўтган, турли мамлакатларни кезиб чиккан шахснинг хаёлий хотиралари эмас, балки халклар ва ўлкаларни бевосита кузатган холис ва халол одамнинг таассуротлари эканига тобора амин бўла бошладилар.

«Саёхатнома»га географик, тарихий, маданий ва бошка сохаларга хос хилма-хил маълумотлар манбаи сифатида кизикиб караш масаланинг бир жихати, холос. Гап шундаки, «Саёхатнома» ўша замон кишиларининг ўзига хос дунёкараши, фикрлаш доираси, манфаатлари, вокеа ва ходисаларга муносабати, урф-одатлар ва кадриятларни бахолай олиши каби масалаларни ўрганишда даврнинг хар хил «маиший ва ахлокий» тасвирларидан кўра ишончлирок ва кимматлирок адабий-маънавий бир ёдгорлик хамдир.

«Саёхатнома» мансуб бўлган жанрнинг, адабий-ижодий йўналишнинг мухим белгилари нималардан иборат? Ибн Баттутанинг ёзмалари сайёхнинг босиб ўтган йўллари, маълумотларининг хакконийлиги нуктаи назаридан ўрганилиб, тарихчилар, археологлар, чака танга тадкикотчилари (нумизматиклар) томонидан кўп фойдаланилган бўлса хам, бу жихатдан хали етарли ўрганилмаган.

Фикримизча, мазкур асар унда берилган вокеий маълумотлар нуктаи назаридангина эмас, балки адабий-ижодий вокеа сифатида хам жиддий эътиборга лойик. «Саёхатнома» тадкикотчиларининг деярли хаммаси якдиллик билан таъкидлайдиларки, бу асарнинг услуби «рихла» туридаги «Йўллар ва давлатлар китоби» (жумладан, Ибн Хурдодбех, Ибн ал-Факих, ал-Истахрий ёзмалари) каби асарлар услубидан, шунингдек, ажойиб комусчи олим Ёкут ал-Хамавий каламига мансуб бўлган, ўрта асрларнинг энг мукаммал географик мажмуаси «Мўъжам ал-булдон»нинг услубидан хам анча фарк килади. Масалан, Абу Хамид ал-Гарнотийнинг сафар баёни услуб жихатидан «Йўллар ва давлатлар китоби»га якин туради, «Саёхатнома»да эса ўша замонларда кенг таркалган анбиё киссалари ёки «маиший» адабиёт намуналарининг таъсири кузатилади. Бундай таъсир, айникса, авлиёлар ва сўфий шайхлар кароматлари хакидаги кўп сонли кўшимча тармок хикояларда сезилади.

Гап Ибн Баттутанинг бир «мусулмон аллома» сифатида саёхат килганлигидагина эмас (гарчи бу хам, айникса, мусулмон хукмдорлар назарида унинг обрў ва эътиборини оширганлиги шубхасиз), балки даврнинг умумрухий холатида хамдир: форс ва араб тилларида тасаввуф шеъриятининг ривожланиши, авлиё ва анбиё киссаларининг кенг таркалиши, халк анъаналари билан бевосита боглик бўлган сийра жанрининг тараккий топиши даврнинг маълум маънавий-рухий вазиятини белгилар эди.

Ибн Баттута, худди Марко Поло сингари, гохида бизга арзимас бўлиб кўринган ходисаларга тўхталади, чунончи, ўзини каерда кандай кутиб олганликлари, берган тухфалари тўгрисида батафсил ёзади. Аммо буни муаллифнинг ўзига «ортикча бино кўйиш» иллатига йўйиш хато бўларди. Ибн Баттута бундай тасвирларни ўзи учун жуда мухим деб билган, чунки амир ё султоннинг келган сайёхга ўзининг кайси томонидан жой таклиф этиши хам ўша давр расмига биноан катта маъно касб этар эди. Мўъжизалар, шайх ва авлиёларнинг макбаралари хакида кўп сонли хикояларни хам Ибн Баттута худди шундай сермаъно омил деб хисоблаган.

Тадкикотчи Абдуллох Абдулгани Гоним Ибн Баттутани илк антропологлардан санаб, «Саёхатнома»нинг маълумотлари урф-одатлар, иктисодий ва хукукий амалиётлар жихатидан ўрганиб чикилганда, тафсилотларга бойлигини алохида таъкидлайди. Мисол учун, Хиндистон билан боглик кисмда ўликни ёкиш маросимига алохида ўрин ажратилган, Эроннинг Ферузон шахрида жаноза маросимлари тўй кўтаринкилигида ўтиши билдирилган, Ийзажда жаноза муносабати билан жамоат кокилларини кесиб дод-фарёд кўтариши баён этилган, Онадўли вохасида кабрлар уйни ёдга соладиган килиб - ёгоч томлар курилишига тўхталиб ўтилган.

Ибн Баттута кезган ўлкаларнинг географияси ва иктисоди хакида хам тўлаконли маълумотлар беради. Бирок профессионал географ бўлмагани учунми масофаларни маълум килмайди, факатгина сафарининг неча кун давом этганини кайд этади. Асосий эътибори турли китъаларда яшовчи халклар хаёт тарзи, маданияти билан танишишга каратилган бўлгани учун жуда кўплаб шахарларни «бинолари мустахкам, масжидлари катта ёки кичик», «кўхна дарвозаси бор, калъанинг ички кисми бўм-бўш» тарзидаги жумлалар билан тасвирлаб ўтади.

Ибн Баттута сўфийлар ва зохидларни ўзига якин тутганлиги сабабли уларнинг ўгитларига доимо амал килган. «Саёхатнома» асари мана шу жихати билан ўша даврнинг тасаввуфий каёти хакида хам кимматли маълумотлар такдим этади. Оддий одамдек кўринишига карамай унинг услубида гайритабиий рангинлик ва кишини ларзага солиш хусусияти хукмрон эди. Кези келганда у баъзи сўз ва хикояларга ишонмаганини билдирса-да, ишончли бир кишидан келган ривоятни рад этмай, уни ўз асарида баён этган.

Ибн Баттутанинг ўзи хакида биографик маълумотлар кам. Атокли сайёхнинг номи кенг таркалган бўлишига карамай, араб тарихий манбаларида у хакда иккитагина кичик кайдни топиш мумкин: бири - Ибн Халдуннинг машхур «Мукаддима»сида, иккинчиси - Ибн Хажар ал-Аскалонийнинг биографик лугатида. Ал-Аскалоний Ибн Баттута хакида сўзлаб, ўз замондошлари Ибн ал-Хатиб (вафоти 1374 й.) ва Ибн Марзук (вафоти 1448 й.) маълумотларига таянганини айтади. Шунга карамасдан Ибн Баттутанинг хаёти ва шахсияти хакидаги маълумотларнинг асосий манбаи унинг ўз «Саёхатнома» асари эканини таъкидлаш лозим.

Ибн Баттутанинг саёхати хакикий жасорат, шу билан бирга гоят катта жисмоний ва маънавий матонатгина эмас, хушёрлик, турли вазиятларга мослаша билишни хам талаб киладиган огир ва машаккатли мехнат эди. Унинг бутун хаёт йўли саргардонлик ва дарбадарлик билан ўтганки, уни сафару саёхатлардан ажратиб баён этиш мумкин эмас. Унинг бутун туриш-турмушига айланган бу саёхатлардан муддао нима эди? Ибн Баттута ўз шахси, ўз интилишларининг сабаблари тўгрисидаги мулохазалардан кочади, бу хакдаги маълумотларни сайёх ёзмаларининг тўкимасидан топиб теришга тўгри келади.

Куйида Ибн Баттутанинг «Саёхатнома» асари, уни тадкик ва таржима килиш жараёнида эришилган илмий хулосалар хамда ўша даврда яшаб ўтган бошка араб ва араб бўлмаган буюк алломалар, сайёхлар ва тарихчиларнинг асарларига мурожаатларимиз асосида олинган тарихий далилларга таяниб, Ибн Баттутанинг хаёти ва ижоди, «Саёхатнома»

асари, унинг тадкикотларига оид маълумотларни такдим этамиз.

Н. Иброхимов